Abdulazizkhan NIG‘MONOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, teacher of the department classical oriental literature and source study. a.nigmonov@iiau.uz 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ШЕЪРИЯТДА РИТМИК-СИНТАКТИК ПАРАЛЛЕЛИЗМЛАР (“ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК”ДАГИ ШЕЪРИЙ УЗИНДИЛАР МИСОЛИДА)

РИТМИКО-СИНТАКСИЧЕСКИЕ ПАРАЛЛЕЛИЗМЫ В ДРЕВНЕТЮРКСКОЙ ПОЭЗИИ (НА ПРИМЕРЕ СТИХОТВОРНЫХ ИЗВЛЕЧЕНИЙ ИЗ “ДЕВОНУ ЛУГАТИ-Т-ТУРК”)

RHYTHMIC-SYNTACTIC PARALLELISMS IN OLD TURKIC POETRY(BY EXAMPLE OF EXTRACT FROM “DEVON LUGATI-T-TURK”)

Калит сўзлар: *фольклор, ритм, оҳанг, такрор, параллелизм, ритмик-синтактик параллелизм, синтаксис, қофия, ҳижо*

Ключевые слова: *фольклор, ритм, тон, повтор, параллелизм, ритмико-синтаксический параллелизм, синтаксис, рифма, хижо.*

Keywords: *folklore, rhythm, tone, repetition, parallelism, rhythmic-syntactic parallelism, syntax, rhyme*

Ўзбек адабиёти тарихига назар солганда, шубҳасиз, унинг бой адабий меросга эга эканлиги кўзга ташланади. Бу адабиётнинг илдизи узоқ даврларга бориб тақалади. Унинг шаклланиши ва тараққиёти бевосита қадимги туркий адабиёт билан мустаҳкам боғлиқ. Чунки ўзбек адабиёти қадимги туркий адабиёт негизида ривож топган. “Қадимги турк давридаги адабий анъана изсиз йўқ бўлиб кетмади, балки ўзида мураккаб эстетик - адабий тизимни гавдалантирадиган мумтоз туркий шеъриятга кириб келди” (Stebleva, 1982, p.5). Қадимги туркий адабиёт намуналари: Ўрхун ёдномалари, “Девону луғати-т-турк”да сақланиб қолган бадиий ижод намуналарининг шаклий – поэтик хусусиятлари илк классик даврдаги туркий адабиётда давом этгани туркий адабиётнинг узлуксиз равишда тараққий этганини кўрсатади.

Турли тилларда, ҳатто бир тилнинг ўзида гапда сўзларнинг бирикиш усуллари, гаплар ва мураккаб синтактик бутунликларнинг шаклланиши турли даврларда ўзаро фарқланади. Улар шу тилда сўзлашувчи халқнинг тарихи, ўсиб, такомиллашиб бораётган ўзаро мулоқотга бўлган меъёрий талаблар натижасида ўзгариб, сайқалланиб боради (Shukurov, 2004, p.13). Шундай экан, тилдаги бирор-бир ҳодисани энг қадимги давр намуналаридан бошлаб ўрганиш тилнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида батафсил тасаввур ҳосил қилишга имкон яратади.

Жаҳон туркологияси бугунги кунда қадимги туркий ёдномаларни ўрганиш юзасидан қатор тадқиқотларга эга. Ёдномалар юксак бадийяти, матн қурилишидаги ўзига хослик, бадиий тугаллиги ва услубий аниқлиги билан ўтган асрда рус ва чет эл олимларининг, бугунги кунда эса бутун жаҳон адабиётшунос ва тилшуносларининг эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Ёдномалар бугунги кунгача кўплаб аспектларда ўрганилди. Бу борадаги ишларнинг асосий қисми ёдномаларни тилшунослик жиҳатидан ўрганишга бағишланган бўлиб, “Ёдномаларни бадиият нуқтаи назаридан ўрганиш асосан И. В. Стеблева (Stebleva, 1971) номи билан боғлиқ. У биринчи марта ёдномаларни “қадимги туркийларнинг “шоҳ асарлари” сифатида баҳолади ва, шу билан бирга, қадимги туркий адабиётнинг эволюцияси ва шаклланиши ҳақида тадқиқотлар яратди. Бу тадқиқотлар туркологиянинг бундан кейинги тараққиёти учун асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади (Rahmonov, 1989, p.144).

Ёдномаларда бадиий фикрлашнинг маҳсули бўлган воситалардан бири бу шеърий асарлар учун ҳам, прозаик асарлар учун ҳам умумий бўлган параллелизмлардир. Параллелизм бадиий ифода усулларининг алоҳида тури бўлиб, адабиёт ва фольклорда кенг қўлланади. Бу ҳодиса поэтик синтаксиснинг тадқиқот объекти сифатида бадииятда кенг тарқалганлиги билан аҳамиятли. Параллелизм тушунчаси ҳақида батафсил тасаввур ҳосил қилиш учун бу ҳодисани атрофлича тадқиқ этган олимлар ва уларнинг қимматли фикрларига тўхталиб ўтиш лозим.

Параллелизм атамасини шеърият поэтикасига дахлдор атама сифатида биринчи марта Роберт Лаут 1776 йилда ўз таржимасида чоп эттирган “Исо пайғамбар асарлари” китобига ёзган сўзбошисида қўллаган. У шундай ёзган: “Мен бир байт ёки мис-

Шеърнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган, унга ритмик оҳангдорлик, мусийқийлик ва эмоционаллик бахш этган унсурлардан бири бу – ритмик-синтактик параллелизмлардир. Ушбу мақолада туркий шеърнинг вужудга келишида муҳим ўрин тутган параллелизмлар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусияти "Девону луғати-т-турк"да келтирилган шеърий узиндилар асосида таҳлил қилинади. Синтактик параллелизм фольклор жанрларида, шеърий нутқнинг турли кўринишларида, айниқса, тўртликларда яхлитликни таъминловчи асосий ва кучли восита сифатида намоён бўлади. Ритмик-синтактик параллелизмлар шеърни шакллантирса, параллелизмларни асосий уч восита шакллантиради: аллитерация, такрор, сажь. "Девону луғати-т-турк"даги тўртликларда фонетик, лексик ва синтактик такрорлар қўлланган. Парчаларда параллелизмларнинг тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган турларини учратамиз. Қадимги туркий битигтошларда тугал бўлмаган параллеликнинг бисёрлиги ва, аксинча, девонда келтирилган халқ оғзаки намуналаридаги тугал синтактик параллеллик шундан далолат берадики, замонлар ўтиши билан қадимги туркий халқларнинг бадиий тафаккури ва бадиий асарлар яратишдаги қонуниятлари ривожланиб, мукаммал кўриниш олган.

Одним из основных элементов, играющих важную роль в формировании стиха и придающих ему ритмическую мелодию, музыкальность и эмоциональность, является ритмико-синтаксические параллелизмы. В данной статье на основе стихотворных извлечений из "Диван лугати-т-турк" анализируются параллелизмы и их особенности, сыгравшие важную роль в истории развития тюркского языка и становлении стихосложения. Синтаксический параллелизм проявляется в жанрах устного народного творчества как основной и мощный инструмент, обеспечивающий целостность различных поэтических произведений, особенно четверостиший. Если ритмико-синтаксические параллелизмы формируют поэзию, то сами параллелизмы формируются при помощи трех основных средств: аллитерации, повтора и саджа. В четверостишиях из "Диван лугати-т-турк" используются фонетические, лексические и синтаксические повторы. В различных отрывках содержатся два вида параллелизмов: полный и неполный. Наличие неполных параллелизмов в древних тюркских надгробных эпитафиях, а также содержание полных синтаксических параллелизмов устного народного творчества на примерах из "Диван лугати-т-турк" свидетельствуют о том, что с течением времени творческое мышление тюркских народов и закономерности создания художественных произведений продолжали развиваться и достигли совершенства их форм.

Abstract. One of the main elements that have an important role in the formation of verse and give it a rhythmic melody, musicality and emotionality are rhythmic-syntactic parallelisms. In this article based on poetic extracts from "Divan Lugati-t-Turk", parallelisms and their features, which played an important role in the formation of versification and the history of the development of the Turkic language, are analyzed. Syntactic parallelism is manifested in the genres of oral folk art as the main and powerful tool that ensures the integrity of various poetic works, and especially quatrains. If rhythmic-syntactic parallelisms form poetry, then parallelism itself is formed by using three basic means: alliteration, repetition, "saj".

In the quatrains of "Divan lugati-t-Turk" phonetic, lexical and syntactic repetitions are used. Different passages contain two types of parallelisms: complete and incomplete. The presence of incomplete parallelisms in ancient Turkic tombstone epitaphs, as well as the content of complete syntactic parallelisms of oral folk art, using examples from "Divan lugati-t-Turk", show that over time the creative thinking of the Turkic peoples and the laws governing their artistic works continued to evolve and achieve perfect form.

ранинг бошқа бир байт ёки мисра билан мослигини параллелизм деб атайман. Қачонки бир мисрада бирор мулоҳаза ифодаланган бўлиб, унинг кетидан ёки остида бошқа бир сатрда унга маъно жиҳатдан ўхшаш ёки қарама-қарши, грамматик тузилиши жиҳатидан яқин бир мулоҳаза жойлашган бўлса, бу қаторларни параллелизмлар ва бу сатрлардаги бир-бири билан мос бўлган сўз ёки ибораларни эса параллел аъзолар, – деб атайман" (Yakobson, 1987, p. 100). У бир неча сатрда жойлашган грамматик қурилиш шаклини параллелизм дея ҳисоблаган. Ўз-ўзидан, параллелизм Лаут "параллел қисмлар" дея атаган сўз ва иборалар ёрдамида шаклланади. Демак, Р. Лаут илк бор "параллелизм" ва "параллел қисмлар" тушунчасини киритган.

Синтактик параллелизмнинг юзага келиши учун унинг таркибидаги параллел бирликлар уч талабга жавоб бериши керак: бир хил миқдордаги бирликлар, бир хил грамматик қурилиш, сўзларнинг айни тартиби.

Синтактик параллелизм фольклор жанрларида, шеърий нутқнинг турли кўринишларида, айниқса, тўртликларда яхлитликни таъминловчи асосий ва кучли восита сифатида намоён бўлади. Параллелизмлар шаклланишида ва ўзига хос оҳангдорлик касб этишида такрорларнинг алоҳида ўрни бор.

"Девону луғати-т-турк"даги туркий матнлар, тўртликлар таҳлили орқали уларга ўзига хос мусиқийлик бахш этган параллелизмларнинг хусусиятларини очишимиз мумкин.

"Девону луғати-т-турк"даги туркий матнларда, тўртликларда такрорларнинг турли хиллари: фонетик, лексик ва синтактик такрорлар қўлланган.

Yağmur ***y***ağïp sa***č***ïldï,
Türlüg ***č***e***č***ä***k*** su***č***uldï,

Yünčü qarï ačïldï,
Čïndan yïpar yuğrušur.

Маъноси: Ёмғир ёғиб сочилди, турли гуллар очилди, Инжу қопи очилди, Чиндан ифор таралар. (Kashgari, 2017, p. 244.)

Келтирилган тўртликдаги параллелизм таркибида ритмлиликни таъминлаган асосий унсурлардан бири бу – товушлар такроридир. Парчада ***у, č, l*** товушларининг ҳар бир қаторда такрорланиши тўртликка ўзига хос оҳанг бахш этган бўлса, қаторлар сўнгидаги қофиядош сўзлар мусиқийлигини таъминлаб, ўқувчининг ёдида сақланиб қолишини осонлаштирган. Тўртлик а-а-а-б тарзида қофияланган. Бу эса кейинги давр тўртликлари – рубоий ёки туюқдан фарли равишда қадимги туркий тилдаги тўртликларнинг қофияланиш усулини кўрсатади.

Бу ҳолатни биз қадимги туркий адабиётнинг мукаммаллиги сифатида тушунамиз. Сабаби шундаки, тўртлик а-а-а-а ёки а-а-б-а тарзида қофияланганда тингловчи “а” тарзида қофияланган сўзларнинг давомини кутади. Тўртлик а-а-а-б тарзида қофияланганда эса “б” қофия тўртликнинг якунини англатади. Натижада, тингловчи тўртлик якунланганини англаб етади ва унинг мағзини чақа бошлайди. Бу эса оралиқдаги узилишни бартараф этиб, тўртликнинг таъсир кучини оширади.

Девондаги синтактик параллелизмлар таркибида нафақат товушлар такрори, балки лексик такрорлар ҳам кўплаб кузатилади.

Begim özin *oğurladï*,
Yarağ bilip *oğurladï*,
Uluğ Täŋri ağïrladï,
Anïn qut-qïw töri tuğdï.

Маъноси: Бегим ўзин яширди, Керак дея маъқуллади, Улуғ Тангри ярлақади, Унинг куч-қудрати ортди. (Kashgari, 2017, p.124.)

Мисолда *oğurladï* феъли такрорланган ва синтактик параллелизмга асос солинган. Передактив гап бўлагининг синтактик бўлак охирида такрорланиб келиши натижасида ритмлилик юзага келган ва эмоция ҳосил бўлган. Тўртлик а-а-б-в тарзида қофияланган. Тўртликнинг илк икки мисрасида такрорнинг қофия вазифасини ўташи қадимги туркий ёдномалардаги қофия билан боғлиқ вазиятни эслатади ва қадимги туркий шеъриятда синтактик бўлаклар охирида бўлакларнинг такрор қўлланиши қофия вазифасини бажарганини кўрсатади.

Қадимги туркий матнларда такрор фақатгина синтактик бўлаклар сўнгида эмас, балки бошқа ўринларда ҳам кузатилади. Бунда такрорнинг таъсири, ритмлилик ва эмоционалликни таъминлаш функцияси ўзгача кўриниш олади.

Quš *yawuzï* – sağïzğan,
Yïğač *yawuzï* – azğan,
Yer *yawuzï* – qazğan,
Bodun *yawuzï* – barsğan.

Маъноси: Қушнинг ярамаси – зағизғон, Дарахтнинг ярамаси – азған, Ернинг ярамаси – қазилган (ўнқир-чўнқир), Халқнинг ярамаси – барсған. (Kashgari, 2017, p.175.)

Мисолда *yawuzï* сўзининг такрори синтактик бўлаклар марказида бўлиб, бу кишининг бутун диққат-эътиборини ўзига жалб қилади. Тингловчи беихтиёр бутун диққатини такрордан кейинги сўзга қаратади ва ўша “ёвуз”, “ярамас” нарсаларнинг барчасини онгида тез ва осон сақлаб қолади. Албатта, бу ўринда такрор асосига қурилаётган синтактик параллелизмнинг ритмик кўтаринкиликни ва тўртликнинг таъсир кучини ошираётганлигини ҳам этироф этиш зарур. Синтактик параллел қаторлар чегарасини таъкидлаб келган сўзлар ниҳоятда усталик билан танланганки, ҳам қофиядош сўзлар ҳосил бўлган, ҳам ҳижолар тенглигига эришилган, ҳам ҳақиқат ўз аксини топган.

Девондаги халқ оғзаки ижоди намуналарида синтактик параллеликнинг яна шундай турларини учратиш мумкинки, бунда параллелик такрор ва оҳангдош сўзлар асосида юз беради:

Uδu barïp öküš *ewdim,*
Telim yurïp küči *kewdim,*
Atïm birlä tegü *ewdim,*
Meni körüp yesi ağdï.

Маъноси: Уни излаб, кўп кездим, Хўп қувлаб, ҳолдан тойдирдим, Отим билан гир айландим, Мени кўриб эси оғди. (Kashgari, 2017, p.81.)

Поэтик ва прозаик асарларда ритмик восита сифатида хизмат қилувчи синтактик параллелизм қадимги туркий ёдгорликларда, шунингдек, фольклор намуналарида, мумтоз ва ҳозирги замон бадиий адабиётида кенг қўлланувчи стилистик фигура ҳисобланади. “Синтактик параллелизм муҳим поэтик восита сифатида нафақат туркий достонларда, балки умуман олганда фольклор анъаналарида, шунингдек, Ўрхун-Енисей ёдгорликларида, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” ва Юсуф Боласағунийнинг “Қутадғу билиг” асарлари ва сўз санъатининг бошқа намуналарида кенг қўлланилган” (Adilov, 1974, p.19).

Бадиий асарларда синтактик-стилистик фигура сифатида қўлланадиган синтактик параллелизм

образлиликни, эмоционалликни ва ифода таъсирини кучайтиради. “Синтактик параллелизм деганда бевосита маълум бир тартибдаги гапларнинг синтактик ва оҳанг жиҳатидан бир хил қурилишини тушунамиз, яъни алоҳида сўзлар такрори эмас, балки бутун синтактик моделлар бир хиллиги тушунилади”(Adilov, 1974, p. 118).

“Девону луғати-т-турк”да синтактик параллелизм содда ёки қўшма гап кўринишида учраши мумкин:

Bardï erän qonuq körüp, qutqa saqar,
Qaldï yawuz oyuq körüp, ewni yïqar.

Маъноси: Шундай кишилар бор эдики, меҳмон кўрса, барака билар, шундай кишилар қолдики, шарпа кўрса, уйини йиқар. (Kashgari, 2017, p. 47)

Ula bolsa, yol azmas,
bilig bolsa, söz yazmas.

Маъноси: Белги бўлса, йўлдан адашмас, ақли бўлса, сўздан адашмас. (Kashgari, 2017, p. 50)

Tağïğ oqruqïn egmäs,
teŋizni qayğïqïn bükmäs.

Маъноси: Тоғ арқон билан эгилмайди, денгиз қайиқ билан букилмайди. (Kashgari, 2017, p. 53)

“Девону луғати-т-турк”даги баъзи шеърий парчалар алоҳида гуруҳни ташкил этадики, бу гуруҳдаги бадиий матнлар параллелизм асосида шаклангандир. Асарда синтактик параллелизмлар, асосан, мақоллар таркибида учрайди. Бундай параллел боғланишлар икки мустақил моҳиятга эга ёки шаклий-мазмуний параллелизм ҳосил бўлади. Параллелизм асосига қурилган мақоллар тузилиши уларнинг қиёсий ва қарама-қарши мазмунидан келиб чиқади (Bəyzadə, 2000, p.99).

Туркий битигларда матнни шакллантирувчи восита сифатида параллелизмнинг қуйидаги икки шакли фаол қўлланилган.

1. Тўлиқ (тугал) параллелизм:

Бу ёнма ён жойлашган икки ёки ундан ортиқ гапларнинг синтактик тузилиши, тури, сўзлар тартибининг ўхшашлиги ва гап бўлакларининг бир хил морфологик ва грамматик шаклларга эгалигидир. Бундай параллел бирликлар ёрдамида маъно янада таъсирчан ва эмоционал ифодага эга бўлади. Шеърий асарларда бўлса, бу усул билан маълум бир оҳанг, ритм ва равонлик вужудга келтирилади. Тўлиқ параллелик гап таркибида ҳам, матн таркибида ҳам бўлиши мумкин (Novruzova, 2013, p. 62). Масалан:

Ersäk erkä tegmäs,
ewäk ewkä tegmäs.

Маъноси: Эрсираган эрга етолмас, шошган уйига етолмас. (Kashgari, 2017, p. 54)

Мақол эга + тўлдирувчи + кесим, эга + тўлдирувчи + кесим шаклида шаклланган. Гап бўлаклари сони, тури, жойлашуви бир хил. Ҳатто, сўз туркумларида ҳам бир хилликни кузатиш мумкин: сифатдош + от + феъл, сифатдош + от + феъл. Ҳижолар сонида тенглик вужудга келган. Натижада, маъно янада таъсирчан ва эмоционал кўриниш касб этган. Ритмлилик, равонлик вужудга келтирилган. Параллеликни товушлар, грамматик шакллар ва лексик такрор таъминлаган ва гарчи маъносида бироз қўполлик мавжуд бўлса-да, мақолнинг бадиий-эстетик қиймати ортган.

Alplar birlä urušma,
beglär birlä turušma.

Маъноси: Ботирлар билан урушма, беклар ила хусуматлашма. (Kashgari, 2017, p. 86)

Ушбу мақол ҳам юқоридаги фикрларимизни таъкидлайди, яъни тугал параллелизмда параллеллик ҳар томонлама амалга ошади. От + кўплик + кўмакчи + феълнинг бўлишсиз шакли, от + кўплик + кўмакчи + феълнинг бўлишсиз шакли тарзидаги морфологик параллелик, тўлдирувчи + кесим, тўлдирувчи + кесим шаклидаги гап бўлаклари параллелиги ва синтактик тузилишдаги параллеллик, содда гап + содда гап шаклидаги гап тури бўйича параллеллик – буларнинг бари синтактик параллелизмнинг тугаллигини белгилайди. Мақолнинг бадиий-эстетик қийматини, таъсир кучини, ритмик равонлигини, хотирада осон сақланиб қолишини таъминлайди.

Қуйидаги мақолда ҳам тугалликни кўриш мумкин.

Quzda qar öksümäs,
qoyda yağ öksümäs.

Маъноси: Қуз тоғда қор аримайди, қўйда ёғ аримайди. (Kashgari, 2017, p.134)

Тугал параллелликни кам бўлса-да, битигтошлар матнида ҳам учратиш мумкин. Масалан:

Altun yïšïğ aša kältimiz,
Ärtis ögüzüg käčä kältimiz…

Маъноси:“Алтун йишни ошиб келдик, Ертиш дарёсини кечиб келдик.(Sodiqov, 2009, p. 293)

Мазкур парчада ҳам параллелик тугал кўриниш олган. Ушбу тугалликни сифатловчи аниқловчи + тўлдирувчи + равиш ҳоли + кесим тарзидаги гап бўлаклари параллелиги ва синтактик тузилишдаги параллеллик, атоқли от + турдош от + равишдош + феъл шаклидаги морфологик параллелик, содда

гап + содда гап шаклидаги гап тури бўйича параллеллик таъминлаган. Натижада параллелизм эмоционал бўёқ олган ва экспрессивлиги оширилган.

2. Нотўлиқ (тугалланмаган) параллелизм

Бундай параллелизмларда параллел синтактик бирликларнинг бири иккинчисидан синтактик тузилиши, тури, сўзлар тартиби, гап бўлакларининг морфологик ва грамматик шаклларига кўра бироз фарқланади. Аммо, бу ҳолат маънонинг таъсирчанлиги ва ифоданинг равонлигига путур етказмайди. Девондаги намуналарда тўлиқ параллелизм кўпроқ учрайди. Нотўлиқ параллелизм эса кам ҳолларда кўзга ташланади:

Quldačïqa miŋ yağaq,
barča bilä ayruq tayaq.

Маъноси: Тиланчига мингта ёнғоқ, буларнинг устига айри таёқ ҳам бер. (Kashgari, 2017, p.167)

Ушбу мақолда синтактик параллелик мавжуд, бироқ у тугал кўринишга эга эмас. Параллелизм қуйидаги синтактик тузилишга эга: тўлдирувчи + аниқловчи + тўлдирувчи + (кесим), тўлдирувчи + аниқловчи + тўлдирувчи + (кесим). Параллел гаплар таркибидаги сўзлар ҳам туркумларига кўра турлича, яъни: от + сон + от + (феъл), олмош + кўмакчи + сифат + от + (феъл). Параллелизм содда гап +содда гап шаклида. Гарчи параллелизм тугал кўриниш касб этмаган бўлса-да, ундаги товушлар такрори ва оҳангдош сўзлар параллелизмнинг ритмлилигини таъминлаган.

Яна бир мисол:

Söküšüp uršur, otra ton titišür.

Маъноси: Сўкишдан уруш бошланади, ўртада кийим йиртилади. (Kashgari, 2017, p. 234)

Мазкур мақол ҳам тугал кўринишга эга эмаслиги бир қарашдаёқ билинади. Параллелизм ҳол + кесим, ҳол + тўлдирувчи + кесим шаклида тузилган. Морфологик жиҳатдан: равишдош + феъл, равиш + от + феъл кўринишига эга. Параллелик грамматик шакллар такрори асосига қурилган. Айнан *-šür* қўшимчасининг такрори параллелизмнинг ритми ва оҳангдорлигини оширган.

Битигтошлар матнида эса бунинг аксини кўриш мумкин, яъни нотугал параллелизм тугал параллел қаторларга нисбатан кўпроқ кузатилади. Масалан:

Anta kisrä inisi qağan bolmïs ärinč,
oğlï atï qağan bolmïs ärinč.
Anta kisrä inisi äčisin-täg qïlïnmaduq ärinč,
oğlï qaŋïn-täg qïlïnmaduq ärinč,

Маъноси:

Шундан кейин иниси хоқон бўлган экан,
ўғли, жигари (?) ҳам хоқон бўлган экан,

Шундан кейин иниси оғасидай иш тутмаган экан, ўғли отасидай иш тутмаган экан. (Sodiqov, 2009, p.303)

Мисоллар таҳлили натижасида шуни таъкидлаш лозимки, нотугалл параллелизмлардаги бундай ўзига хослик ҳам ўз даври бадиий етукликларидан биридир. Бундай нотугаллик фақат шундай ҳолларда юз берадики, сўзловчи билдирмоқчи бўлган фикр шаклдан ташқари чиқишни тақозо этади, яъни маънони тўлиқ ва аниқ ифодалаш учун шундай нотугалликка зарурат туғилади. Натижада шоир ёки сўзловчи шаклий тугаллилик чегараларини ошиб ўтиб, маъновий тугаллик сари интилади.

Қадимги туркий битигтошларда нотугал параллеликнинг бисёрлиги ва, аксинча девонда келтирилган халқ оғзаки намуналаридаги тугал синтактик параллеллик шундан далолат берадики, замонлар ўтиши билан қадимги туркий халқларнинг бадиий тафаккури ва бадиий асарлар яратишдаги қонуниятлари ривожланиб, мукаммал кўриниш олган.

Шунингдек асардаги мисолларда синактик параллелизм асосига қурилган чаппа параллеликни ҳам кўриш мумкин. Бунда биринчи синтактик бирликдаги ҳаракат-ҳолатнинг тескариси иккинчи синактик бирликда келтирилади. Бунда биринчи синтактик қатордаги феълнинг тасдиқ ёки инкор ҳолатда эканлигига қараб икки хил ҳолат кузатилади.

1. Тасдиқ – инкор:

*Tüzün birlä **uruš**,*
*utun birlä **üstärmä.***

Маъноси: Ювош одам билан уриш, юзсиз одам билан уришма. (Kashgari, 2017, p. 98)

*Ït čaqïrï atqa **tegir**,*
*at čaqïrï ïtqa **tegmäs**.*

Маъноси: Чағир кўзли ит отга тенглашади, чағир кўзли от итга тенглаша олмайди. (Kashgari, 2017, p.146)

2. Инкор – тасдиқ:

*“Qaδaš” temiš, **qaymaduq**,*
*“kaδïn” temiš **kaymïš**.*

Маъноси: “Қариндошлар келди” дейилганда, эътибор бермаган, “қайин (она, ота) келди” дейилганда, эътибор бермиш. (Kashgari, 2017, p.161-162)

*Tağ tağqa **qawušmas**,*
*kiši kišikä **qawšur.***

Маъноси: Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади. (Kashgari, 2017, p. 238)

"Девону луғати-т-турк"даги феъл такрори асосига қурилган синтактик параллелизмларнинг ўзига хос хусусияти бор. Замонавий адабий тилда параллел кесимлардан бири тушириб қолдирилади. Эллипсис ҳодисаси тилнинг барча қатламларида кузатилиб, сўз тежамкорлигига асосланади. Бадиий услуб эса матндаги маълум сўзнинг тушириб қолдирилишига имкон яратади, яъни баъзи матнларда такрорнинг олдини олиш мақсадида бир хил ёки умумий маънони ифодалаётган сўзлардан бири тушириб қолдирилади ва натижада синтактик бутунлик янада жонли, ифодали тус олади ва таъсир кучи ошади. Бу эса оғзаки нутқнинг эллипсис ҳодисаси одатий ҳол ҳисобланган фольклор намуналари билан алоқасини кўрсатади.

"Девон"даги узиндиларда такрор қўлланаётган кесимлар ё барча бирликларда қўлланади ёки умуман қўлланмайди. Такрор қўлланилаётган икки кесимдан бири қисмлар ўзаро параллел бўлгандагина тушириб қолдирилади. "Девону луғати-т-турк"даги синактик параллелизмларда эллипсис кесим ё морфологик кўрсаткичлар доирасида юз беради. Бу хусусият замонавий туркий тилларда, хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналарида сақланиб қолган. Масалан: *Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ.*

"Девон"даги эллипсис асосида шаклланаётган синактик параллелизмлар мақол ва маталларнинг тузилиш моделини ташкил этади. Бу тузилишдаги ўзига хослик шундаки, такрор қўлланилаётган кесимлар ё ҳар иккала компонент таркибида қўлланилади ёки умуман қўлланилмайди:

1. Ot tütünsüz ***bolmas****,*
yigit yazuqsuz ***bolmas.***

Маъноси: Ўт тутунсиз бўлмас, йигит гуноҳсиз бўлмас. (Kashgari, 2017, p.161).

Tatsïz türk ***bolmas****,*
bašsïz börk ***bolmas****.*

Маъноси: Тотсиз турк бўлмас, бошсиз бўрк бўлмас. (Kashgari, 2017, p.142)

2. Alp yağïda, alčaq čoğïda

Маъноси: Ботир ёв билан тўқнашганда, ювош тиришишда синалади. (Kashgari, 2017, p. 31)

Er sözi bir, eδär köki üč.

Маъноси: Эр йигитнинг сўзи битта бўлади, эгарнинг чилвири учта бўлади. (Kashgari, 2017, p. 296)

Биринчи гуруҳдаги иккала мисолнинг ҳар бир компонентида ёрдамчи феъл иштирок этган бўлса, иккинчи гуруҳдаги биринчи мисолда ***sinanar*** сўзи, иккинчи мисолда эса ***bolur*** сўзи тушириб қолдирилган. Бу мисолларда эллипсис иккала таркибий қисмларда рўй берган. Умуман олганда, эллипсис ҳодисаси бирликларнинг мустахкам алоқасига сабаб бўлади ҳамда гапларнинг мустақиллигини камайтирган ҳолда синтактик бутунликнинг яхлитлиги ва тугаллигини таъминлайди.

«Девону луғати-т-турк»даги мисолларда фақатгина феъллар эллипсиси эмас, балки морфологик кўрсаткичлар эллипсиси ҳам кузатилади. Масалан:

Bar – baqïr, yoq – altun.

Маъноси: Бор нарса – мис, йўқ нарса – олтин. (Kashgari, 2017, p.145)

Qul – yağï, ït – böri.

Маъноси: Қул – душман, ит – бўри. (Kashgari, 2017, p.138)

Alïmčï – arslan, berimči – sïčğan.

Маъноси: Олувчи (қарзни берган) – арслон, берувчи (қарзни тўловчи) – сичқон. (Kashgari, 2017, p.164)

Юқорида келтирилган кўшма гапларнинг ҳар иккала қисмида кесимлик шакли ***-turur*** тушиб қолган.

Эллипсисли гаплар одатда бадиий асарларда ва фольклорда кўпроқ кузатилади. Туркий адабиётнинг қадимги намуналарида бу хил гапларнинг мавжудлиги, бу ҳодисанинг узоқ даврларга бориб тақалишидан дарак беради.

Синтактик параллел конструкциялардаги параллел бўлакларни ўрганиш натижасида феъларнинг параллеллиги фаол эканлигини кўриш мумкин. Лекин, оз бўлса-да, бошқа гап бўлаклари параллеллиги асосига қурилган синтактик праллелизмларни ҳам учратамиз.

Yer ***basruqï*** *– tağ,*
boδun ***basruqï*** *– beg.*

Маъноси: Ернинг оғирлиги тоғ билан, халқнинг оғирлиги бек билан. (Kashgari, 2017, p.185)

Yaδağ *atï – čaruq, küči – azuq.*

Маъноси: Пиёданинг оти – чориқ, кучи – озиқ. (Kashgari, 2017, p.153)

Barčïn ***yamağï*** *barčïnqa,*
qarïš ***yamağï*** *qarïšqa.*

Маъноси: Ипак ямоқ ипакликка муносиб, юнг ямоқ юнгга муносиб. (Kashgari, 2017, p. 332)

Биринчи мисолда ***basruqï*** сўзи иккинчи қисмда ҳам айни ўринда ва вазифада такрорланган. Иккинчи мисолдаги ***yaδağ*** сўзи иккинчи қисмда тушириб

қолдирилган, сабаби иккала қисм учун ҳам умумий бўлган бўлак қисмларни боғлаш вазифасини бажарган. Учинчи мисолдаги сўз бирикмасининг асосий бўлаги бўлган ***yatağï*** сўзи параллел бўлак вазифасини бажарган. Дастлабки икки мисолда кесимлик шакли тушириб қолдирилган бўлса, учинчи мисолда кесим тушиб қолган.

Шундай қилиб, қадимги туркий матнларнинг катта қисми параллелизм асосига қурилган. Параллелизм асосига қуриладиган синтактик бирликлардаги товушлар такрори ифодалиликни шакллантиришга хизмат қилади ва шаклий яхлитликни таъминлайди. Турли такрорлар ўзаро алоқанинг муҳим элементи сифатида синтактик бирликларни яхлит бутунлик сифатида шакллантиради. Синтактик параллелизмлардаги асосий боғловчи восита – замон шаклларининг бир хиллиги синтактик бутунликнинг яхлитлигини таъминлайди.

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган мисоллардаги синтактик параллеликнинг таҳлили шуни кўрсатадики, паралеллик икки кўринишда тўлиқ шаклда ҳамда нотўлиқ шаклда, яъни параллел қисмлар сўзлар миқдорига кўра ёки бўгинлар сонига кўра ўзаро фарқланадиган ҳолатда намоён бўлади. Бу эса фолклор таъсири натижасидир.

Қадимги туркий матнлардаги параллелизмлар бир қанча тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлишига қарамай, уларни ҳар жиҳатдан чуқур ва аниқ тадқиқ этиш ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Adilov, M. (1974). Azərbaycan dilində sintaktik təkrarlar. Bakı.
2. Abdullaev, K. M. (1976). Sintaksicheskiy parallelizm (na materiale oguzskogo pamyatnika «Kniga moego deda Korkuta»): Diss... kand. filol. nauk. Moskva.
3. Abdullaeva, N. D. (1978). Sintaksicheskaya sinonimiya v sovremennom azerbaydjanskom yazike (na osnove glagolnix oborotov i pridatochnix predlojeniy): Avtoref. dokt. diss... filol. nauk. Baku.
4. Adilov, M. (1974). Sintaksicheskie povtori v azerbaydjanskom yazike. Baku.
5. Artemenko, E. B. (1976). Voprosi sintaksicheskogo stroya russkoy narodnoy liricheskoy pesni. Voronej.
6. Astafeva, I. M. (1964). Vidi sintaksicheskix povtorov, ix priroda i stilisticheskoe ispolzovanie: Avtoref. kand. diss. filol. nauk. Moskva.
7. Bəyzadə, Q. (2000). «Kitabi-Dədə Qorqud dastanları»nda fraza fovqi vahidlərin antisinasiyası. Bakı.
8. Homidiy, H. va b. (1970). Adabiyotshunoslik terminlari lug‘ati. Toshkent.
9. Hotamov, N., Sarimsoqov, B. (1979). Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o‘zbekcha izohli lug‘ati. I nashri. Toshkent.
10. Kashgari, Mahmud. (2017). Devonu lug‘ati-t-turk (Turkiy so‘zlar devoni). Toshkent.
11. Mamajonov, A. (1991). O‘zbek tili qo‘shma gaplarining stilistik xususiyatlari: Filol. fan. dokt. ... diss. Toshkent.
12. Novruzova, N. S. (2013). Sintaksicheskiy parallelizm v drevnetyurkskix tekstax // Vestnik MGLU. Vol. 2013: Iss. 683, Article 23.
13. O‘raeva, D. S. (1993). O‘zbek xalq lirik qo‘shiqlarida parallelizmlarning xarakteri va badiiy-kompozitsion vazifalari: Filol. fan. nomz. ... diss. Toshkent.
14. Rahmonov, N. A. (1989). Kultegin yodnomasining poetikasi // O‘lmas obidalar. Toshkent.
15. Sarimsoqov, B. (1978). O‘zbek adabiyotida saj. Toshkent.
16. Shukurov, R. M. (2004). Parallel sintaktik butunliklar: Filol. fan. nomz. ... diss. Farg‘ona.
17. Sodiqov, Q.P. (2009). Turkiy til tarixi. Toshkent.
18. Stebleva, I. V. (1965). Poeziya tyurkov VI–VIII vekov. Moskva.
19. Stebleva, I. V. (1971). Razvitie tyurkskix poeticheskix form v XI. Moskva.
20. Yakobson, R. O. (1987) Raboti po poetike. Moskva.